

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ
КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ҚУРБАНБАЕВА АРЗИГУЛ ЭРКИНОВНА

**АКРИЛАТЛАР ҲОСИЛАЛАРИ АСОСИДАГИ ЯНГИ ПОЛИМЕР
СИРТ-ФАОЛ МОДДАЛАРНИНГ ОЛИНИШИ, ХОССАЛАРИ ВА
ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of the abstract of dissertation doctor of science

Курбанбаева Арзигул Эркиновна

Акрилатлар ҳосилалари асосидаги янги полимер сирт-фаол
моддаларнинг олиниши, хоссалари ва қўлланилиши 3

Курбанбаева Арзигул Эркиновна

Получение, свойства и применение новых полимерных поверхностно-
активных веществ на основе производных акрилатов 29

Kurbanbaeva Arzigul Erkinovna

Getting, properties and applications of new polymeric surfactants based on
derivatives acrylates 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 61

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ
КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ҚУРБАНБАЕВА АРЗИГУЛ ЭРКИНОВНА

**АКРИЛАТЛАР ҲОСИЛАЛАРИ АСОСИДАГИ ЯНГИ ПОЛИМЕР
СИРТ-ФАОЛ МОДДАЛАРНИНГ ОЛИНИШИ, ХОССАЛАРИ ВА
ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.DSc/К47 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.ionx.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Аҳмедов Улуғ Каримович
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кудишкин Валентин Олегович,
кимё фанлари доктори, профессор
Гуро Виталий Павлович,
кимё фанлари доктори
Сидиқов Абдужалил Сидиқович,
кимё фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация химояси Умумий ва ноорганик кимё институти ва Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «28» феврал 2018 йил соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: ionxanruz@mail.ru).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60).

Диссертация автореферати 2018 йил «17» феврал куни тарқатилди.
(2018 йил «17» феврал даги № 2 рақамли реестр баённомаси).

Б.С. Закиров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, к.ф.д.

Д.С.Салиханова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, т.ф.д.

С.Тухтаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, к.ф.д., профессор, академик

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда нефтни сувсизлантириш ва тузсизлантириш, тупроқ структурасини яхшилашда сирт-фаол полимерлар ва биосурфактантлардан кенг қўламда фойдаланиб келинмоқда. Хусусан, маҳаллий хом ашёдан олинган самарали сирт-фаол полимерларни саноат ва қишлоқ хўжалигида қўллаш - технологик жараёнларни тезлаштириш; самарадорликни ошириш; маҳсулот сифатини яхшилаш ва табиий ресурсларни тежашни ягона усулларида биридир. Акрилат ҳосилалари асосида синтез қилинган сирт-фаол полимерлар ва биосурфактантлар нефтни сувсизлантириш ва тузсизлантириш, тупроқ структурасини яхшилаш, ўсимликни ўсиши ва ривожланиши учун стимулятор сифатида қўлланилганда юқори самарадорликка эришилди.

Бугунги кунда жаҳонда экологик хавфсиз, мақсадга йўналтирилган адсорбцион, абсорбцион шунингдек берилган физик-, коллоид-кимёвий хоссаларга эга бўлган янги дифил полимер ва поликомплексларни яратиш; шу билан бир қаторда полифункционал полимер тизмларининг янги авлодини олишда, уларнинг хоссаларини олдиндан башорат қилиш принципини ишлаб чиқиш; мақсадли дифил полимерлар олиш имконини берадиган “синтез-тузилиш-хосса-қўллаш” ўртасидаги ўзаро боғлиқликни топиш; мақбул техникo-эксплуатацион кўрсаткичларни аниқлаш; синтез қилинган дифил полимерлар асосида юқори самарали деэмульгаторлар, структуранлар олиш технологиясини яратиш. Сирт-фаоллик хусусиятлари юқори бўлган полимерлар олиш технологиясини ишлаб чиқишда, қатор, жумладан, қуйидаги йўналишларда тегишли илмий ечимларни асослаш зарур: сирт-фаол полимерларнинг структураларини аниқлаш ва структура ўзгариши ва хосса орасидаги боғлиқликни таҳлил қилиш; макромолекула дифиллигининг ўзгариши, уларнинг эритмаларида турли фазалар (ҳаво/суюқлик, суюқлик/суюқлик, суюқлик/қаттиқ жисм) чегараларидаги ўзгариш билан боғлиқ қонуниятларини аниқлаш; сирт-фаол полимерларнинг коллоид-дисперс системаларга таъсири қонуниятларини чуқур таҳлил қилиш.

Бугунги кунда маҳаллий хом ашё асосида сирт-фаол полимерлар яратишни ривожлантириш йўналишида илмий изланишларни юқори даражада ташкиллаштириш ва уларни қўллаш борасида кенг қамровли чора – тадбирлар, яъни нефтни бурғулашда қўлланиладиган полимер асосли К-4, К-9, полиакриламид, КМЦ реагентлари ишлатиб келинмоқди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясининг учунчи йўналишида «саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, шунингдек маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори рақобатбардош маҳаллий янги маҳсулот турларини ишлаб чиқиш»га қаратилган муҳим вазифалари белгиланган. Бу борада, юқори молекулали сирт-фаол полимерлар олишнинг янги усулини қўллаган ҳолда маҳаллий деэмульгаторлар, структурантлар яратиш долзарб масала.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПФ - 4707-сон «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш,

модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чоратadbирлари дастури тўғрисида»ги, 2017 йил 2 февралдаги ПФ-4947–сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармонлари ва 2017 йил 23 августдаги №ПҚ-3236-сонли «2017-2021 йилларга мўлжалланган кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисидаги» Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларини амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи¹. Сирт-фаол полимерларни синтез қилиш ва уларнинг хоссаларини, шунингдек макромолекулаларора ўзаро интерполимер таъсирларини асослашга йўналтирилган илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказларида ва олий ўқув юртлирида, жумладан, Chemistry Department, University of Paderborn (Германия), Xinjiang Technical Institute of Physics and Chemistry (Хитой), Berlin-Brandenburgischer Verband für Polymer forschung (Берлин), Department of Chemical Engineering (Израиль), National Institute for Materials Science (Япония), Harvard University (США штат Массачусетс), University of Oxford (Великобритания), Research Institute for Technical Physics and Materials Science at Hungarian Academy of Sciences (Венгрия), Leibniz Institute of Polymer Research (Дрезден), National Yosu University (Корея), Украина МФА Л.В.Писаржевский номидаги физик-кимёвий институт (Львов), Россия Фанлар академияси, Кимёвий физика институти (Черноголовка) ҳамда Умумий ва ноорганик кимё институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳонда нефтни сувсизлантириш ва тузсизлантириш ҳамда кўпирувчи, эмульгирловчи, структура ҳосил қилувчи дифил полимерлар ва биосурфактантларни синтези ва хоссалари бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: экологик хавфсиз паст ва юқори молекулали сирт-фаол моддалар яратилган (National Institute for Materials Science, Япония), мономерлардан дифил полимерлар олишнинг янги усуллари асосида поликомплексларнинг янги турлари ишлаб чиқилган (Россия Фанлар академияси, Кимёвий физика институти, Черногловка), гидрофил ва гидрофоб полиэлектролит турлари яратилган (National Yosu University, Корея), тузга чидамли ва тупроқ эрозиясига қарши ишлатиладиган гидрогеллар ишлаб чиқилган (Xinjiang Technical Institute of Physics and Chemistry, Хитой), сирт фаол хусусиятга эга бўлган биосурфактантлар ажратиб олишнинг илмий асослари яратилган

¹Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <https://www.fipr.state.fl.us>, <https://www.dobersek.com>, <https://www.ichp.pl>, <https://www.csj.jp>, <https://en.ustc.edu.cn>, <https://chem.iitm.ac.in>, <https://dmpe.aut.ac.ir>, <https://www.niuiif.ru>, <https://www.ionx.uz> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

(Украина МФА Л.В.Писаржевский номидаги физик-кимёвий институт (Львов).

Дунёда куйи молекуляр сирт фаол моддалардан сифат ва сон жиҳатидан устун турувчи чизикли ва уч ўлчамли структурага, гетерополяр таркибли фаол функционал гуруҳга эга бўлган янги макромолекуляр структуралар яратиш бўйича қатор, жумладан, куйидаги устивор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: дифил макромолекулалардаги “занжир эффекти”ни аниқлаш ва қўллаш, органик ва ноорганик дисперс системалар учун хоссалари олдиндан берилган модификаторлар олишнинг янги имкониятларини очиб бериш; янги полифункционал сорбентлар, биотехнология, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, геология ва бошқа соҳалар учун махсус хусусиятларга эга бўлган суспензия ва эмульсион системалар яратиш ва уларни такомиллаштириш; полиэфирлар ва полиакрилатларнинг хоссаларига гидролиз жараёнларининг таъсирини аниқлаш; дифил полимерлар олишнинг янги технологияларини яратиш ва шу асосида саноатнинг юқори технологик тармоқларида қўлланиладиган, ноёб хоссаларга эга бўлган композицион реагентлар яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Полиэлектролитлар, гидрогеллар, сирт-фаол моддалар, поликомплексларни коллоид кимё соҳасида тизимли мақсадга йўналтирилган тадқиқотлар М. Канеко, Е. Тсухида, Дж.Смид, Хидеки Мацуока, Тамил Наду, Т. Грэм, П.А.Ребендер, Ю. Г. Фролов, Е.Е. Ергожин, Ю.С. Липатов, А.И. Русанов, А.А. Абрамзон, И.М. Паписов, А.Б. Зезин, Е.А. Бектуров, К.Б. Мусабеков, С.Б. Айдарова, С.Г. Стародубцев, В.Н. Измайлова, А.Р. Хохлов, Н.П. Крутько, К.С. Казанский, В.А. Мягченков ва бошқаларнинг илмий мактаблари томонидан фаол олиб борилган. Ўзбекистонда сувда эрувчан полимерларнинг коллоид кимёвий хоссаларини, тузилишини, таркибини ва уларнинг дисперс системалар билан ўзаро таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар, сўнгра уларни “Навоийазот” АЖ да ишлаб чиқариш технологияларини яратиш бўйича биринчи ишлар академик К.С.Аҳмедов томонидан бошланган, унинг шогирдлари Э.А. Арипов, С.С. Хамраев, Ф.Л. Глекель, С.А. Зайнутдинов, А.А.Маҳмудов, С.Н. Аминов, К.П. Поганяс, Л.Ю.Юнусов, Г.Р.Нарметова, О.К.Бейсенбаев, И.К. Сатаев, Ш.А.Абдуллаев, У.К. Аҳмедов, С.А. Абдурахимовлар томонидан давом эттирилмоқда ва муваффақиятли ривожланмоқда.

Ҳозирги кунда ҳам «К-4», «К-9», «ПАА» препаратларини олиш технологиялари маълум ва улар турли техник ва табиий дисперс системалар учун модификатор-реагент сифатида саноатда кенг миқёсда ишлаб чиқаришга тадбиқ этилган. Бу системаларнинг макромолекуляр эритмалари сирт-таранглигини кам туширганлиги туфайли, юқори ҳароратга, тузга ва эрозияга чидамлилиги паст. Шунингдек бу системаларнинг сувли эритмадарида гидрофоб таъсирларнинг роли ва аҳамиятига ҳам етарлича баҳо берилмаган. Бу муаммони хал этиш ўзгарувчан гидрофил-липофил баланс катталигини бошқариш, гетерополяр занжирли дифил полимерларнинг таркибий тузилишларини аниқлаш, экстракцион ажратиш,

суюлтириш, деэмульсиялаш, флотация, флокуляция, структура ҳосил қилиш ва солюбилизация жараёнларни тезлаштириш имконини беради.

Диссертация тадқиқотининг бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ноорганик кимё институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг ФА-А-6-Т065 «Маҳаллий хом ашёлар асосида олинган янги сирт-фаол моддаларни қўллаш орқали юқори қовушқоқ ва олтингургуртга бой нефтларни бирламчи қайта ишлашнинг самарали технологиясини яратиш» (2009-2011 гг.), ФА-Ф12-138 «Ўзбекистоннинг ишлатиб бўлинган нефт кудукларидан қолдиқ нефтни ажратиб олиш учун маҳаллий хом ашёлардан олинган химреагентлар ва гелтехнология» (2012-2014 гг.) ва ФА-А13-Т134 «Тоғ ландшафти фитоҳилмахиллигини сақлаш учун маҳаллий хом ашёлардан янги авлоддаги агрохимикатлар олиш ва уларни қўллаш гелтехнологияси» (2015-2017 гг.) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади дисперс системаларнинг техник-эксплатацион кўрсаткичларини бошқариш учун янги кўпфункционал белгиланган хоссали чизикли ва сийрак тикилган дифил сополимерлар яратишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

акрил мономерлари ва диаминлар асосида чизикли ва сийрак тикилган янги сирт-фаол сополимерлар синтези;

янги мономерлар малеин кислотасининг гидрофоб ҳосилалари ва уларнинг тўйинмаган кислотали сополимерлари синтези;

бир томондан зарядланган макроионларнинг электростатик ўзаро таъсири кучи, иккинчи томондан асосий занжирнинг метилен қисмлари ва ён тармоқларининг гидрофоб таъсири туфайли структура ҳосил қилувчи сополимерларнинг сувли эритмаларининг физик, коллоид-кимёвий хоссаларини таҳлил қилиш;

дифил макромолекуланинг эритмада ва турли фазалар (ҳаво/суюқлик, суюқлик/суюқлик, суюқлик/қаттиқ жисм) чегараларида ўзаро таъсири қонуниятларини аниқлаш;

олинган сирт-фаол полимерлар ва биосурфактантнинг қўлланилиш соҳаларини аниқлаш ва самарали ишлатишга амалий тавсиялар бериш учун турли коллоид-дисперс системаларга таъсири қонуниятларини чуқур таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида акрил кислотаси, малеин ангидриди, сув, диаминлар, $(\text{NH}_4)_2\text{CO}_3$, гептил, децил спиртлари, госсипол смоласи, сивуш мойи, бўз тупроқ, беда ўсимлиги ризосферасидан олинган *Bacillus sp.*-26 штамми ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети кимёвий модификация, идентификация, физик, коллоид-кимёвий хоссалар, эмульсия, деэмульсация, стабилизация, электр ўтазувчанлик, сирт таранглик, ҳўлланиш, кўпикланиш, солюбилизация.

Тадқиқот усуллари. Вискозиметрия, ИҚ-спектроскопия, ГСХ, потенциометрия, турбидиметрия, дилотометрия, кондуктометрия,

гравиметрия, юпқа қатламли хроматография, спектрофотометрия, седиментация, Вильгельм бўйича сирт таранглик, ультрацентрифугалаш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

биринчи марта радикал полимерланиш реакцияси иштирокида акрил кислотаси, диаминлар ва малеин кислотасининг ҳосилалари асосида 23 та янги сополимер олинган;

акрил кислотаси ва диаминлар асосида таркибида фаол азот атомлари тутган чизикли ва сийрак тикилган сополимерларнинг мақсадли синтез қилиш имконини берадиган шароитлар аниқланган;

pH-муҳитга боғлиқ молекулалараро водород, электростатик ва ионларнинг ўзаро таъсирлашуви туфайли уч ўлчамли тўр тузилишга эга гидрофоб полиэлектрولит комплекслар ҳосил бўлиши исботланган;

буз тупроқдан олинган *Bacillus sp.-26* штамми асосида липопептид гуруҳига мансуб, эмульгирловчи хоссага эга биосурфактант олинди;

дифил системалар макромолекулаларининг ўзига хос тузилишга ва таркибига эга полиэлектрولит, гидрогел, юқори молекуляр сирт-фаол моддалар, поликомплекслар ва биосурфактантнинг коллоид-кимёвий хусусиятлари аниқланган;

намуналарнинг ГЛБ ўзгариши ва эритма концентрацияси ўзгариши билан боғлиқ сирт таранглик катталигини вақт бўйича кинетикасини ўрганишда биринчи марта макромолекула гидрофоблиги қанча катта бўлса, шунча секин адсорбцион мувозанатга эришиши ва эритмаларнинг чегаравий сирт таранглик кўрсаткичлари шунча паст бўлиши ($25-37\text{Н/м}\cdot 10^{-3}$) аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

олинган комплекс қонуниятлар ва ўзаро боғлиқликлар асосида полифункционал полиэлектрولит, сирт-фаол сополимер, гидрогел ва биосурфактантларнинг нефт саноатида нефтни чуқур қайта ишлаш ва қишлоқ хўжалигида структура ҳосил қилувчи реагент сифатида ишлатиш мумкинлиги кўрсатилди:

нефт саноати қурилмаларини водород сульфид ва бошқа кислотали муҳитларда коррозиясидан химоялаш учун ингибитор сифатида СДЭСДИМАК ва МАСГЭМАК намуналари тавсия этилган. (Патент № IDP04914, № IDP05197);

биосурфактант пахта ўсимлиги учун стимулятор сифатида тавсия этилган. Натижада пахта кусакларини пишиб етилиши тезлашган ва унумдорлиги 5ц/га ошган (далолатнома тузилган);

«Шолимелиорант» нинг тупроққа маълум миқдорда қўшилиши, суғориш ишларини 1,5-2 мартагача камайтириши аниқланган. Бунга физик буғланиш ва филтрлашга намликнинг сарфланишини камайтириш ҳисобига эришилади, шу билан бирга тупроқнинг устки қатламини адсорбцион мустаҳкамлаб, шамол ва сув эрозиясидан сақлаши аниқланди (далолатнома тузилган);

«ПЭЛ-91» препарати флокулянт сифатида сувли суспензияларни тинишини тезлаштириш хусусиятига эгаллиги аниқланган (Патент № 5719);

турғун сув-нефт эмульсияларини парчалаш учун АМК-5 реагенти тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Замоनावий, кимёвий ва физик-кимёвий тадқиқот усуллари ёрдамида олинган натижалар илмий таҳлилий усуллар мажмуи билан асосланган. Ишлаб чиқариш технологияси ва яратилган реагентларнинг қўлланилиши қониқарли натижалар билан тажриба саноат синовлари таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти радикал полимерланиш, полимераналогик ўзгаришлар асосида акрилат мономерларидан дифил структурали полиэлектрولитлар, гидрогеллар, поликомплекс ва биосурфактантнинг синтез қилиш усуллариининг асосий қонуниятларини яратилиши билан изоҳланиб, уларни ишлаб чиқариш ва қўллаш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу эса нефт корхоналарида нефтни сувсизлантириш ва тузсизлантириш жараёнларида ва қишлоқ хўжалигида бўз тупроқларнинг структурасини яхшилашда катта аҳамиятга эгадир.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндиларидан олинган ресурстежамкор, сувда эрувчан, сувда бўкувчан янги сирт-фаол полимерлар нефтни сувсизлантириш ва тузсизлантиришда ҳамда қишлоқ хўжалигида тупроқ структурасини яхшилашда, шунингдек Тошкент давлат аграр университети ва Тошкент давлат техника университетининг ўқув жараёнида қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий хом ашёлар асосида дифил структурали сополимерларнинг ишлаб чиқиш усуллари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

саноат (ёғ-мой ва гидролиз корхоналари) чиқиндилари асосида АМК-5 реагентини олиш усуллари ишлаб чиқилиб, «Шўртоннефтгаз» МЧЖда амалиётга жорий этилган («Ўзбекнефтгаз» АКнинг 2017 йил 6 декабрдаги 02/12-2-188-сонли маълумотномаси). Натижада АМК-5 реагентини турғун нефть эмульсияларини бузишда қўлланилганда, физик-кимёвий кўрсаткичлари ТУ 2458-001-98712376-2006 ва сифат паспорти бўйича деэмульгаторларга қўйилган талабларига жавоб берган;

юқори ковушқоқли ва оғир Гаримстон нефтининг деэмульсациялаш технологияси «Шуртаннефтегаз»да қўлланилган («Ўзбекнефтгаз» АКнинг 2017 йил 6 декабрдаги 02/12-2-188-сонли маълумотномаси). Натижада нефт таркибидаги қолдиқ сув миқдорини 25% дан 0,02% гача, солиштирма зичлигини $0,939\text{г/см}^3$ дан $0,871\text{г/см}^3$ гача камайтириш имконини берган;

маҳаллий хом ашё асосида олинган АМК-1 реагенти металл асбоб-ускуналарни кислотали муҳит таъсиридан ҳимоялашда антикоррозион восита сифатида «Шўртоннефтгаз» МЧЖда амалиётга жорий этилган. («Ўзбекнефтгаз» АКнинг 2017 йил 6 декабрдаги 02/12-2-188-сонли маълумотномаси). Натижада ингибитор сарфини 2 марта камайтириш, металл сиртини коррозиядан сақлаш самарадорлигини 12% га ошириш имконини берган;

маҳаллий хом ашё асосида олинган «Полимелиорант» сув ва тупроқ намлиги танқис бўлган ўрмон ва қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда Республика манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги илмий марказининг майдонларида амалиётга жорий этилган (ЎзР Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2018 йил 10 февралдаги 01/05-374-сонли маълумотномаси). Натижада тупроқнинг физик-механик хусусиятлари, ғоваклиги яхшиланган, кўчатларнинг ривожланиши 14-16% га ошган, сувғориш ишларини 2 марта камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Макур тадқиқот натижалари 51 та, жумладан 26 та халқаро ва 25 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 82 та илмий иш чоп этилган, жумладан 22 та илмий мақола, шулардан 20 таси республикамизда, 2 таси чет эл журналида (ЎзР ОАК докторлик диссертациясининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган журналларда), ҳамда 6 та Ўзбекистон республикаси дастлабки патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 187 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва уларга бўлган талаб, тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари келтирилган, тадқиқотнинг предмети ва объекти тавсифланган, тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва амалий натижалари очиқ берилган, шунингдек тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқи, чоп этилган ишлар, ҳамда диссертациянинг тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **«Азотсақловчи полиакрилатлар, уларнинг сополимерлари ва биосурфактантлар: синтези хоссалари ва қўлланилиши»** мавзуси бўйича дифил полимерлар, гидрогеллар, биосурфактантлар ва полимерлар асосида олинган поликомплексларига бағишланган тадқиқотлар таҳлил қилинган. Бу структураларни органик ва ноорганик табиатли дисперс системаларнинг модификаторлари сифатида қўлланилиши танқидий кўриб чиқилган. Уларнинг адсорбциялаш механизмини умумий ва фарқли хусусиятлари келтирилган.


Диссертациянинг иккинчи бобида **«Акрил кислотаси асосида азотсақловчи полиэлектролитлар ва гидрогеллар синтези»** мавзуси бўйича полиакрилатлар ва гидрогеллар синтези мақбул шароитлари аниқланган. Берилган хоссаларга эга бўлган дифил полимерлар олиш учун уларнинг таркиби ва тузилишини белгилайдиган муҳим омиллар таъсири таҳлил қилинган. Акрил кислотасининг диаминлар, аммоний карбонат ва

инициатор (персульфат аммоний, калий ёки водород перокси) иштирокида массада ёки сувли шароитда радикал полимерланиш реакцияси олиб борилган. Реакция шароитини бошқариш орқали чизиқли, сийрак тикилган полиэлектролитларини олиш имкони кўрсатилган.

Чизиқли ва сийрак тикилган структура ҳосил бўлиш реакция шароитларининг кинетик боғлиқликлари тадқиқ этилди ва сополимер таркиблари қайд қилинди. Сополимерлар учун pK_a константалари, олинган дифил макромолекулаларининг конформацион ўзгариш энергия фаоллиги аниқланди. Чизиқли сополимерларнинг молекуляр массалари аниқланган: $M_s=643 \cdot 10^3$ ПАЭА; $M_s=642 \cdot 10^3$ ПАГА; $M_s=550 \cdot 10^3$ ПАФ.

ИК-спектр, элемент таҳлили, потенциометрик титрлаш, кислота ва аминлар сонини аниқлаш натижалари асосида дифил сополимерларнинг кимёвий таркиби аниқланган.

Сополимер макромолекулалари гидрофил ва гидрофоб гуруҳлардан иборат. Гидрофил гуруҳлар сополимерларга сувда эриш хусусиятини берса, турли узунликдаги (C_2-C_6) углеводород радикаллари фазалараро чегарадаги сирт фаолликни ва гидрофоб таъсирларни кучайтиради. Соплимерларнинг элементар звенларини қуйидагича тасвирлаш мумкин:




Макромолекула занжирида сувли эритмада диссоциаланишга моил ионоген функционал гуруҳларнинг мавжудлиги уларнинг электр ўтказувчанлик хусусиятини белгилайди. Сополимер эритмаларининг электр ўтказувчанлиги полиионларнинг бирлик ҳажмдаги концентрацияси, ҳаракатчанлигига, ион кучига, заррачаларининг зичлигига, муҳит рНига ва ҳароратга боғлиқлиги аниқланган. Натижаларга кўра, эритмадаги ионоген гуруҳларнинг ионларга ажралиш даражаси гидрофоб таъсир кучлари ва ионоген гуруҳларнинг электростатик таъсирлашиши макромолекулалар конформацион ҳолатига таъсир этади.

Сополимер сувли эритмаларининг концентрацияси ортиши билан эритманинг солиштирма электр ўтказувчанлиги (κ) ҳажм бирлигида диссоциаланган ионлар миқдори ва эритма ион кучининг ортиш ҳисобига ўсиши аниқланган. Бунда ПАЭА ва ПАГА сериясидаги сополимерлар эритмаларининг солиштирма электр ўтказувчанлиги ПАФ сериясидаги сополимерларнинг электр ўтказувчанлигидан юқори. Буни макромолекула ўрама ичидаги ионоген гуруҳларнинг диссоциаланишини қийинлаштирувчи

элементар гуруҳдаги ароматик ядроларнинг мавжудлиги билан тушунтириш мумкин.

Сополимер эритмасининг электр ўтказувчанлиги ва оптик зичлиги муҳитнинг рНга боғлиқлиги аниқланган. Солиштирма электр ўтказувчанликнинг рНга боғлиқлик эгриси рН=5-8 оралиқда минимал қийматга эга (ПАЭ, ПАГ ва ПАФлар учун) (1-расм). Занжир заряди қанча кичик бўлса, эркин қарама-қарши ионлар сони шунча кўп ва электр ўтказувчанлиги шунча юқори бўлади. Заряд зичлиги полиэлектролитни суюлтирганда ўзгаради (1-расм).



1 расм. Солиштирма электр ўтказувчанлик (А) ва оптик зичлик (Б) нинг полиэлектролитлар концентрацияси 5 кг/м^3 бўлганда муҳит рН ига боғлиқлиги, ПАЭА (1), ПАГА (2), ПАФ (3).

Ҳарорат ортиши билан эритманинг электр ўтказувчанлиги ортади, бу иссиқлик тебранишларининг кучайиши ва иноген гуруҳлар ассоциациаланишининг ортиши билан тушунтирилади. ПАЭ, ПАГ, ПАФ, ПАЭА ва ПАГА полиэлектролитлари эритмаларининг электр ўтказувчанлигига углеводород радикалининг узунлиги таъсири аниқланган. Радикал қанча узун бўлса, ионоген гуруҳларнинг диссоциациаланиши учун шунча стерик қийинчилик пайдо бўлади ва электр ўтказувчанлиги пасаяди.

Эритманинг ион кучи паст бўлганда, ионлашган макромолекулалар учун келтирилган қовушқоқликнинг концентрацияга боғлиқлиги концентрацион аномалияси: келтирилган қовушқоқлик полиэлектролит концентрациясининг камайиши билан аввал ортади, кейин ночизикли камаяди.

Полиэлектролит эритмасини суюлтирганда, ҳажм ортиши билан келтирилган қовушқоқлик ортади ва мос равишда занжирдаги бир хил зарядли гуруҳларнинг бир-биридан электростатик итарилиши натижасида макромолекуланинг ўлчамлари ортади. Бу ходиса “полиэлектролит эффекти” дейилади.


Гидрофоб сополимерлар намуналарида эса, аксинча қовушқоқлик камаяди. Бу ходиса ёнаки углеводород радикаларида гидрофоб таъсир кучининг номоён бўлиши натижаси, яъни бу таъсир кучи макромолекулаларнинг ёйилишига қаршилик қилиб, полимер занжирининг эгилювчанлигини оширади ва полиионларнинг компакт комформациясини янада барқарорлашиши билан тушунтирилади.

Келтирилган қовушқоқликнинг ҳароратга боғлиқлигини ўрганишлар натижаси барча тадқиқ этилган сополимер намуналари учун ҳарорат ортиши

билан $[\eta_{\text{КК}}]$ нинг камайишини кўрсатди. Бу структураланган соҳалардаги айрим гуруҳларининг иссиқлик тебранишлари кучайиши ҳисобига ғужғанакланиши билан боғлиқ. $[\eta_{\text{КК}}]$ нинг муҳит рНига боғлиқлигини ўрганиш натижасида энг паст қовушқоқликка мос келадиган изоэлектрик нуқтаси рН=3-5 кийматга тўғри келиши кўрсатилган. Бу изоэлектрик ҳолатда макромолекулалар зичроқ ўрамга ўралган бўлиб, уларнинг зарядлари йиғиндиси нолга тенг (расм.2).

Кислотали муҳитда карбоксил гуруҳларининг диссоциациаси пасаяди, макромолекулаларнинг занжири ғужғанак ҳолатга ўтади, бу эса эритмада паға-паға чўкма тушишига олиб келади. Изотермик ҳолатга нисбатан эритма рН ортиши билан карбоксил гуруҳларининг диссоциациаланиши ортади. Бунда занжир бўйлаб бир хил зарядланган гуруҳларнинг бир-биридан итарилиш электростатик кучи макромолекула ўрамларининг очилишига ёрдам беради, эритманинг қовушқоқлиги ортади ва рН=6.4-8.3 да максимал кийматга эришади.

Муҳитнинг ишқорийлиги ортиши ва ион атмосферасининг паст молекуляр электролит билан тўсилиши натижасида макромолекулалар яна ўрамга ўралади ва қовушқоқлиги пасаяди (расм 2).




2 расм. Сополимерлар сувли эритмаларининг келтирилган қовушқоқлиги, концентрацияси $C=5.0 \text{ кг/м}^3$, ҳарорати 293К бўлганда муҳит рНига боғлиқлиги; ПАЭА (1); ПАГА (2); ПАФ (3)

Сополимерлар эритмасининг кимёвий тузилиши, электр ўтказувчанлиги қовушқоқлиги ва эритма рН орасидаги боғлиқликлар аниқланган ва уларнинг ноёб хусусиятли полиамфолит хоссага эканлиги кўрсатилган. Сополимерларнинг сувли эритмаларида солиштирма электр ўтказувчанлик ва қовушқоқлик макроионлирнинг концентрацияси, заряд зичлиги ва ионизация даражаси қанча юқори бўлса, шунча юқори бўлиши аниқланган. рН нинг изоэлектрик нуқтадан оғиши полиамфолит электр ўтказувчанлиги ва қовушқоқлигининг кескин ортишига олиб келади, бу бир хил зарядланган зарядларнинг бир-биридан итарилиш кучи таъсирида макромолекулалар ёйилиши билан тушунтирилади.

Диссертациянинг учинчи бобида «**Акрил ва малеин кислоталари асосида юқори молекуляр сирт-фал моддалар синтези**» бўйича илмий изланишлар олиб борилган. Малеин кислотасининг дифил мономер ҳосилалаларини олиш реакцияси 2 асосий босқичдан иборат: биринчи босқичда 348-353К ҳароратда малеин ангидриди ва этиленгликольнинг 2:1 моль нисбатда тасирлашиб, маленин кислотасининг эфири ҳосил булади катализатор (98%-ли H_2SO_4). Иккинчи босқичда сульфат кислотаси катализатори (98%-ли H_2SO_4) иштирокида 378-383К ҳароратда


сукциноксиэтаннинг бир атомли спиртлари билан таъсирлашиб, унинг моноалкил эфирлари олинган. 308-311К эса ишқорий металллар гидроксиди сувли эритмалари билан (ди)этаноламининг таъсирлашиши орқали уларнинг тузлари олинган:



Бу ерда: $n = 2$, $R = C_7H_{15}$, $C_{10}H_{21}$, $M = Na$, NH_4 , K , $HO-CH_2CH_2-NH_2$, $NN(C_2H_4OH)_2$.


Худди шу усулда акрил кислотасининг (ди)этленгликоль эфирларининг дифил мономерлари олинган, сўнгра улардан акрил кислотаси билан полимерланиш реакцияси асосида сополимерлар олинган.

Бу сополимерларнинг элементар зеноларини куйидагича тасвирлаш мумкин:



Бу ерда: $M = Na$, K , NH_4 , $NH_2CH_2-CH_2-OH$, $NN(CH_2-CH_2-OH)_2$, $R = C_7H_{15}$, $C_{10}H_{21}$

Бу сополимерларни синтез қилишнинг кинетик қонуниятлари (ҳарорат, инициатор, мономерлар нисбати, эритувчи таъсири) тадқиқ қилинган ва реакциянинг мақбул шароитлари топилган.




3 расм. МАСГЭМАК ва ПАК орасида водород боғи ҳосил бўлишининг схемаси

Биринчи маротаба гидрофоб модификацияланган полиэлектролитлар (ГМП–ВМПАВ) олинган. ИҚС ва элемент таҳлили сополимерда 1620 см^{-1} соҳасида $C=C$ боғнинг ютилиш спектр чизиқлари борлигини кўрсатди, бу эса қўшбоғнинг узилишини билдиради. 1720 см^{-1} да карбонил гуруҳи $COOH$ нинг самарали ютилиш спектр чизиқлари бор, шунингдек $COOR$ ($1720-1730 \text{ см}^{-1}$), $COOK$ ($1560-1600 \text{ см}^{-1}$) ва OH гуруҳларининг ($3200-3700 \text{ см}^{-1}$) валент

тебранишлар кузатилди. CH_2 ва CH гуруҳидаги C-H боғларга хос валент тебранишлари спектр чизиклари ($2830\text{-}3100\text{ см}^{-1}$) оралиғида жойлашган. Шунингдек 1,4-дималеатоксиэтан гептил эфирининг моноэтанолламин тузи акрил кислотаси ва полиакрил кислотаси асосидаги чизикли сополимерларни комплекс ҳосил қилиш хусусиятлари тадқиқ қилинди. Полиакрил кислотаси ва ионоген сополимер МАСГЭМАК сувли эритмаларида стабиллашган водород боғларини ҳосил қилади. СПЛ МАСГЭМАК ва ПАК поликомплекс ҳосил бўлишида АК нинг протоно-акцептор звено гуруҳлари ва ПАК нинг протон-донор звено гуруҳлари орасида водород боғлари системаси ҳосил бўлади ва у 3-расмда келтирилган схема бўйича боради.

Сувли эритмада водород боғлари ҳисобига полимерларнинг комплекс ҳосил қилиши, поликомплекснинг чўкмага тушиши, макромолекуланинг компактланиши билан тушунтирилади. Бунда жараённинг кооперативлиги натижасида муҳит хиралигининг кескин ортиши комплекс ҳосил бўлишининг критик рН дан пастда бориши кузатилган. Шунини таъкидлаш керакки, критик рН дан юқорида полимер эритмаси қовушқоқлиги кескин ортади, бу поликомплекс компакт тузилишининг бузилиши билан боғлиқ. СПЛ МАСГЭМАК ва ПАК таркибидаги гидрофоб компонентнинг ортиши ноион полимер-ПАК тизимида комплекс ҳосил қилиш қобилиятининг ошишига олиб келиши билан тушунтирилади. Шунингдек СПЛМАСГЭМАК ва ПАК комплекс ҳосил бўлишига ион кучининг таъсири тадқиқ қилинган (4-расм). СПЛ МАСГЭМАК ва ПАК таркиби учун ион кучи комплекс ҳосил бўлишида қулай омил бўлиб, унинг ортиши критик рН нинг юқори кўрсаткичлар соҳасига сурилиши билан боради. Бу макромолекуланинг шу системада комплекс ҳосил қилиш қобилиятининг ортишини билдиради.




4 расм. СПЛ МАСГЭМАК ва ПАК сополимер эритмалари аралашмаси оптик зичлигини рН-муҳит ўзгариши билан ион кучига боғлиқлиги
 $[\text{МАСГЭМ}] : [\text{АК}] = 75 : 25$ мол.%,
 $[\text{МАСГЭМАК}] = [\text{ПАК}] = 0.01\text{М}$, $C_{\text{тузлар}} = 0(1), 0.005(2), 0.01(3), 0.1(4)$

Пастмолекуляр тузлар табиатининг критик рН га таъсири аниқланган. Комплекс ҳосил қилишга таъсири жиҳатидан пастмолекуляр тузлар қуйидаги кетма-кетликда жойлашишади. $\text{NH}_4\text{Cl} > \text{KCl} > \text{NaCl}$, бу катионларнинг ион радиуслари ўзгариши билан боғлиқ.

Диссертациянинг тўртинчи бобида «Сирт-фаол моддалар (биоСФМ) ўстириш, ажратиш олиш ва уларнинг физик-кимёвий хоссалари» таҳлил қилинган. Бунда асосий вазифа биосурфактант олиш имконини берадиган микроб бактерияларини ўстириш учун мақбул, арзон, самарали, топилиши

осон озуқавий мухит танлашдан иборат. Объект сифатида ЎзР ФА Микробиология институти микроорганизмлар коллекциясида мавжуд бўз тупроқдан ажратиб олинган *Bacillus sp.-26* турдаги микроорганизм олинди. «Биосульфактант» – микроорганизмлар томонидан синтез қилинган (эритувчининг сирт таранглигини камайтириш хусусиятига эга бўлган) сирт-фаол модда. Улар синтетик сирт-фаол моддарлардан фарқли ўлароқ қатор устунликларга эга: юқори биопарчаланувчанлик, уларнинг тузилиши ва функционал хилма-хиллиги эса фойдаланиш учун берилган хоссали биосурфактантлар олиш имконини бериши; ҳароратнинг, шўрликнинг ва рН нинг тажрибавий кўрсаткичларида юқори бўлган шароитларда фаоллигини сақлаши, қайта тикланувчи хом-ашёлардан олинганлиги, захарсиз ва юқори биомослиги.

Микроорганизмларни ўстиришнинг оптимал шароитларини аниқлаш учун математик режалаштириш усуллари қўлланилган. Ажратиб олган биосурфактант ИҚ-спектрида 1648 см^{-1} соҳасида пептид боғларнинг, аминотурухларнинг (1568 см^{-1}), карбоксил гуруҳларнинг (1420 см^{-1}), О-Н ва N-Н боғларнинг тебранишлари эса 3052 ва 3410 см^{-1} соҳаларда акс этиб, улар –СО–NH–, –N–H– гуруҳларга мос келиши тасдиқланган. Олинган натижалар асосида биосурфактантнинг липопептид табиатлиги аниқланди. Биосурфактантнинг элементар звеноси куйидагича:



Биосурфактант стандарт “SIGMA” фирмасининг сертификатланган сурфактин намунаси билан таққосланганда юпқа қатламли хроматография $R_f=0,35$ га тенг бўлиб, сурфактинга мос келиши аниқланди. Сурфактантнинг $0,01-1,0\%$ ли сувли эритмаларида манфий қовушқоқликка эга эканлиги аниқланди ва «Томос эффекти» ини намоён қилди. Шунингдек биосурфактантнинг сувли эритмаларида электр ўтказувчанлиги концентрация ва гидрофил гуруҳлар сонига, ҳамда электр ташувчилар ҳаракатчанлиги ортиши билан ошиши аниқланган.

Диссертациянинг бешинчи бобида «Синтез қилинган дифил полимер бирикмаларнинг ва биосурфактантнинг коллоид кимёвий хоссалари» мавзусида изланишлар олиб борилган бўлиб, дифил полимерлар ва биосурфактантнинг олиниши хоссалари билан боғлиқ тадқиқотлар келтирилган.

Макромолекула звеносида углеводород қисми ўлчамининг ортиши гидрофил-липофил балансининг (ГЛБ) ўзгаришига олиб келади. Гидрофоб қисмларнинг ортиши эритманинг фазолараро сирт таранглигининг кескин камайтириши аниқланган бўлиб, сирт фаоллик (фазалараро) самаранинг полиэлектрولит (ҳажмий) электростатик самарадан устунлиги кузатилган. Дифил полимерлар ва биосурфактантнинг сувли эритмаларида сирт таранглигининг концентрацияга боғлиқлигини таҳлил қилганимизда, улар

учун умумий қонуният паст молекулали сирт фаол моддалардан фарқли ўлароқ, сирт таранглик мувозанати 3-5 минутда эмас, балки 1 соатдан 24 соатгача чўзилганлиги аниқланди. Шунингдек, намуналарининг ҳар бир мономер звеноси углеводород радикалининг узунлиги қанча катта бўлса, адсорбцион қаватнинг мувозанатга келиш вақти шунча узокқа чўзилиши аниқланди. Бу макромолекула ҳаракатчанлигининг турличалиги ва макро ионлар зичлигини оширувчи гидрофоб радикаллар мавжудлиги билан тушунтирилган.

Сополимерларнинг сирт таранглиги (σ) 323-333К ораллиғида бирмунча ошиши натижасида десорбция жараёнининг содир бўлиши аниқланган. Ҳароратнинг ўзгариши натижасида десорбция жараёнининг содир бўлиши гидрофоб боғларнинг сусайиши ва зарядланган гуруҳларнинг бир-биридан итарилиш электростатик кучи устун келиши билан тушунтирилади. Мономер сирт фаол моддалар учун ҳам бу ҳолат кузатилган, лекин озгина фарқ қилади, яъни концентрациянинг барча кўрсаткичларида полимер ҳосилалар сувнинг сирт таранглигини «занжир эффекти» ҳисобига пасайтиради. Сополимерларнинг эритмалардаги концентрацияси ортиши билан сирт таранглиги $\sigma = 33,7-27,0$ мН/м гача пасайиши аниқланган.

Дифил сополимер эритмаларининг сирт таранглигига рН муҳитининг таъсирини ўрганиш рН нинг 5 дан 10 гача ортиши, уларда сирт фаолликнинг пасайишига олиб келиши аниқланган. Бу ҳолат эритмада ишқорнинг кўпайиши карбоксил гуруҳларнинг карбоксилатга ўтиши билан сополимерларнинг сувда эрувчанлиги яхшиланиши ва макромолекула гидрофиллигининг ортиши билан тушунтирилади. Бунда гидрофоб таъсирлар сусаяди ва ёйилаётган юза қаватдан эритма ҳажмига ўтаётган макромолекула ионоген гуруҳларининг электростатик итарилиш кучини енга олмай қолади (1-жадвал).

Дифил сополимерларнинг типик гидрофил полиэлектролитлар, ҳамда паст молекулали сирт-фаол моддалардан фарқли хусусиятлари аниқланди. Полиэлектролитлар сувли эритмаларда мицеллалар ҳосил қилмайди, бу $\sigma = F(c)$ боғлиқликнинг текис ўзгаришини таъминлайди, паст молекулали сирт-фаол моддалар учун кескин синиқ чизиқли боғлиқлик бўлиб, системада мицелла ҳосил бўлишини кўрсатади. Бизнинг ҳолатда синиқ чизиқнинг аниқмаслиги юқори молекулали сирт-фаол моддалар учун мицелла ҳосил бўлиш критик концентрациясидан (МХБКК) паст концентрацияларда содир бўлиши, бу макроионларнинг ёйилишига тўсқинлик қилувчи катта ёнаки углеводород радикаллар орасидаги гидрофоб таъсирлар кучининг пайдо бўлиши билан тушунтирилади. Бунда полимер занжирнинг $-CH_2-$ ва $-CH-$ гуруҳлари билан ўзаро боғланган, бир-бирига жуда яқин бир қанча сирт фаол мономер звенолари фрагментларидан иборат «ассоциат» сифатида кўрилган.

Бундай макромицелла жуда кичик концентрацияларда ҳам уни ташкил қилувчи компонентларга парчаланмайди, бунда уларнинг конформацион ҳолатигина ўзгаради. Юқори молекуляр сирт-фаол моддалар (ЮМСФМ) учун ККМ соҳаси алоҳида ассоциатларнинг макромолекулаларга бирлашиши, ҳамда етарлича компакт ҳолатдаги дифил

макромолекулаларнинг ўралишига боғлиқ. Макромолекула ёнаки углеводород радикали узунлигининг ортиши билан унинг сирт фаоллик таъсири кескин ошиши ва ККМ кўрсаткичининг пасайиши аниқланган.

1-жадвал


ПАЭ, ПАГ, ПАФ сополимерлари сирт таранглигининг муҳит рН ига боғлиқлиги

Сополимерлар	Концентрация, кг/м ³	Сирт тараглик, $\sigma \cdot 10^{-3}$ Н/м, эритмаларнинг рН муҳити				
		6	7	8	9	10
ПАЭ	1.0	72.1	72.1	72.5	72.9	73.3
	2.5	71.5	69.8	70.2	71.0	71.9
	5.0	68.7	68.7	68.9	69.2	70.5
	10.0	66.5	66.6	66.9	67.3	69.3
ПАГ	1.0	71.2	71.2	71.8	72.9	73.5
	2.5	68.0	68.0	68.5	68.9	69.6
	5.0	65.4	65.4	65.9	66.0	67.2
	10.0	62.4	62.5	66.9	63.3	64.3
ПАФ	1.0	72.0	72.1	72.8	73.0	73.5
	2.5	70.4	70.4	71.0	71.5	72.1
	5.0	68.2	68.3	68.7	69.0	72.5
	10.0	66.7	66.9	67.0	67.3	67.8

Полиакрил кислота ҳосилалари мисолида занжирнинг ҳар бир мономер звеносида гидрофил функционал гуруҳ сонининг ортиш фактори, макромолекула олеофил қисми параметрлари ўзгармаган ҳолда, унинг хоссаларига таъсири таҳлил қилинган. Сувли эритмалар сирт таранглигининг концентрацияга боғлиқлигини аниқлаш билан гидрофил гуруҳлар зичлиги юқори бўлган полиакрил кислота ҳосилалари тузли эритмаларида, уларнинг юқори гидрофоб аналогларидан фарқли ўлароқ, фазалар чегарасида сирт тарангликнинг кам ўзгариши аниқланган ($5-10 \cdot 10^{-3}$ н/м). Карбоксил гуруҳини амидга алмаштириш, диамин ёнаки углеводород радикалини киритиш макромолекуланинг умумий гидрофоблигини оширади. Бу ПАЭА, ПАГА намуналарнинг сувли эритмаларидаги сирт тарангликни сезиларли даражада камайиши мисолида кўриш мумкин. Полиакрил кислотаси ҳосилалари тузларининг гидрофоб намуналари учун улар эритмаларининг сирт таранглиги 72,5 дан $55,7 \cdot 10^{-3}$ н/м га пасайиши аниқланган.

Гидрогелларнинг рН- муҳитга таъсирчанлиги аниқланган. Максимал мувозанатли бўкиш даражаси нейтрал ва кучсиз кислотали муҳитда кузатилган, ҳажмий-фазовий ўтиш рН=3,5-4,0 да юз берган. Бўкиш-сиқилиш жараёнлари қайтар жараёндир. Кислотали муҳитда гидрогеллар бўкувчанлиги кескин камаяди, сабаби ионлашган карбоксил гуруҳлари миқдорининг камайиши ва занжирнинг сиқилиши жараёнида функционал гуруҳлар орасидаги қўшимча водород боғларнинг кучайишидандир. Муҳит рНининг ортиши билан занжирнинг сиқилишида водород боғларнинг


устунлик кучи сусаяди ва тортишиш жараёни гидрофоб таъсирлар билан таъминланади (5-расм)



5 расм. ГПАФ (1) ва ГПАЭ (2) гидрогеллари бўкишининг муҳит рН ига боғлиқлиги

